Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 29 DEKABR ◆ SHANBA ◆ № 156-157 (26.859)

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан уюштирилган Тошкент саммити 28 декабрь куни эрталаб икки томонлама учрашувлардан бошланди.



МАРКАЗИЙ ОСИЁ: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА









Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, Қирғизистон Президенти Аскар Акаев, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев ва Тожикистон Президенти Имомали Раҳмоновнинг ўзаро мулоқотларида икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга оид ҳамда томонларни қизиқтирган кўпгина бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Расмий делегацияларнинг кенгайтирилган тартибдаги музокарасида эса кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, минтақада барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Президент Ислом Каримов мазкур саммит янги йил арафасида ўтаётгани муносабати билан барча иштирокчиларни, улар орқали қўшни давлатлар халқларини байрам билан қизғин табриклади ва ўзининг энг эзгу тилакларини билдирди.

Мамлакатимиз раҳбари Марказий Осиё давлатлари истиқлолга эришганига ўн йил тўлганини, ўта масъулиятли бу давр улкан тарихий аҳамият касб этишини таъкидлади. Таъкидлаш жоизки, ўтган ўн йил ичида амалга оширилган хайрли ишлар туфайлигина бугунги кунда минтақамиз давлатлари халқаро сиёсий ва иқтисодий муносабатлар тизимининг фаол иштирокчиларига айланди. Мамлакатларимизда янги жамиятнинг пойдеворига асос солинди. Президентларнинг шахсий дўстона муносабатлари, оқилона сиёсати, халқларимизнинг яқинлиги боис турли низоларнинг олди олинди, яхши қўшничилик анъаналари янада ривожланмоқда. Фараз ниятли кучларнинг минтақа мамлакатлари муносабатларига совуқлик солишга уриниб уюштирган фитналари пучга чиқди. Саммит иштирокчилари таъкидлаганидек, ўтган ўн йил ичида жиддий келишмовчилик юз беришига йўл қўйилмади. Бу билан фахрланса арзийди.

Минтақамиз мамлакатлари раҳбарларининг учрашувлари ҳам ўзига хос анъанага айланган. Президентлар ўтган йилнинг апрелида Тошкентда йиғилиб, талай масалаларни ҳал қилган, терррр, экстремизм, наркобизнес, қуроляроғ контрабандаси, уюшган жиноятчилик ва минтақага таҳдид солувчи бошқа муаммоларга қарши кураш ҳақидаги шартномага имзо чеккан эди. Ўша учрашувнинг самарасини бугун яққол кўрмоқдамиз. Масалан, Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентларининг яқинда имзоланган қўшма баёнотида таъкидланганидек, мамлакатларимиз ўртасидаги чегара делимитация қилинди. Чегара баҳонаси билан ўртамизга нифоқ солишга уринган кучлар тилини тишлаб қолди.

Бу галги саммит шуниси билан аввалгиларидан фарқ қиладики, у дунёда туб ўзгаришлар рўй бераётган пайтда ўтди. Бугунги шарт-шароит ҳар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришни тақозо этмоқда. Шу муносабат билан Ислом Каримов Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамиятини «Марказий Осиё ҳамкорлиги ташкилоти»га айлантириш таклифини ўртага ташлади. Янги ташкилот олдига фақат иқтисодий масалалар билан чекланмай, минтақа мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни ҳар жабҳада кенгайтириш вазифаси қўйилади. Лекин айни пайтда унинг ҳеч қандай ҳарбий мақсадга хизмат қилмаслигини эътибордан соқит этмаслик керак. Саммит қатнашчилари давлатимиз раҳбарининг таклифини бир овоздан маъқуллади.

Ислом Каримов ўзаро иқтисодий ҳамкорлик янада равнақ топиши учун янги имкониятлар яратиш мақсадида Тошкентда Марказий Осиё ишбилармонларининг анжуманини ўтказишни таклиф қилди. Таъкидланганидек, минтақа мамлакатлари ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми имконият ва салоҳият даражасида эмас. Айниқса, қўшни ўлкаларнинг хусусийлаштириш жараёнидаги иштироки жуда суст. Тошкентда ўтказилажак бизнес-форум бу борада катта бурилиш ясаши тайин. Президентлар иқтисодий ҳамкорлик соҳасида аввало қўшни юртлардан келадиган ишбилармонларга алоҳида имтиёзлар бериш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга келишиб олди.

Музокараларда маданияти ва санъати бир-бирига муштарак халқларнинг бу соҳадаги алоқалари қониқарсиз даражада эканлиги қайд этилди. Ҳақиқатан ҳам, сўнгги вақтларда ўзаро бирор фестивал, декада ё шу каби бирор катта маданий тадбир ўтганини эслай олмаймиз. Нурсултон Назарбоев келаси йилнинг бошида Қозоғистонда Ўзбекистон маданияти декадасини ўтказиш таклифини билдирди.

Ўзбекистон томони ишлаб-чиқариш кооперацияси, хўжаликлараро бевосита шериклик, транспорт коммуникацияси, сув-энергетика заҳираларидан фойдаланиш, атроф-муҳит муҳофазаси, табиий офатларнинг олдини олишга оид масалалар бўйича ҳам бир неча таклифларни ўртага ташлади. Бу таклифлар меҳмонлар томонидан маъқулланди.

Айни пайтда дунёнинг кўпгина минтақаларида иқтисодий интеграция жараёнларини кузатиш мумкин. Бу тараққиётга эришиш йўлларидан бири ҳисобланади. Иккинчи томондан эса, шу орқали глобаллашувга тайёргарлик кўрилади, дунё иқтисодий ҳаётида юз бериши мумкин бўлган турли инқирозларга шай турилади. Марказий Осиёдек ўз-ўзини озиқ-овқат, хомашё билан тўлиқ таъминлай оладиган минтақалар жуда кам. Биз ана шу салоҳиятни тўлиқ ишга солиб, баҳамжиҳат тараққий этмоғимиз лозим.

Меҳмонлар ҳарбий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш ва ахборот соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш ташаббусини илгари сурди. Таъкидландики, Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасида телевидение дастурларини ўзаро намойиш этиш тўғрисидаги куни кеча эришилган келишув Қирғизистон ва Қозоғистонни ҳам қамраб олса, мақсадга мувофиқ бўлур эди. Шу билан бирга, сувдан фойдаланувчилар ва транспорт соҳасида иш юритувчиларнинг уюшмаларини тузиш борасида таклиф билдирилди.

Музокараларда томонларнинг Афғонистондаги воқеаларга муносабати бир хил эканлиги таъкидланди. Президентлар минтақамиз мамлакатлари Афғонистоннинг Ҳамид Карзай бошчилигидаги муваққат ҳукуматини қўллаб-қувватлашини, мамлакатда тўла тинчлик ва барқарорлик ўрнатишда, урушдан кейинги тикланиш даврида ундан ёрдамини аямаслигини билдирди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси давлат раҳбарларининг Тошкент баёноти имзоланди.

Шу ернинг ўзида маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказилди. Унда президентлар музокаралар натижалари ҳақида сўзлади ва минтақа мамлакатлари халқларини кириб келаётган янги йил байрами билан яна бир бор мубораквод этиб, эзгу тилаклар билдирди.

Шу билан Марказий Осиё мамлакатлари раҳбарларининг саммити якунланди. Учрашувлар ниҳоясига етганидан сўнг саммит қатнашчилари пойтахтимиздаги Шаҳидлар хотираси хиёбонига бориб, Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлган юртдошларимизнинг рамзий қабрига гул қўйди. Юнусобод даҳасидаги Ёпиқ сув ҳавзаси ҳамда Бизнес-марказни томоша қилди.

Куннинг иккинчи ярмида меҳмонлар Тошкентдан жўнаб кетди.

■ (ЎзА)

✧✧✧

Суратда: *Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари учрашувидан лавҳа.*

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИНИНГ

ТОШКЕНТ БАЁНОТИ

Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат раҳбарлари минтақавий ривожланиш ва халқаро сиёсатнинг долзарб муаммоларини муҳокама этиб, Марказий Осиё халқларининг анъанавий дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатлари, тарихий ҳамда маданий умумийлигига асосланиб, юзага келган сиёсий мулоқот тажрибаси ва минтақавий ҳамкорликнинг эришилган даражасидан келиб чиқиб, минтақадаги барқарорликни ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш учун Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси билан Ўзбекистон Республикасининг ўзаро манфаатли муносабатларининг муҳимлигини белгилаб, минтақада ва унинг атрофида жўшқин ўзгараётган аҳволни эътиборга олиб, халқаро терроризм, сиёсий ва диний экстремизм, гиёҳвандликнинг авж олиши, минтақавий ҳамда халқаро хавфсизлик учун чегаралараро уюшган жиноятчиликдан келиб чиқаётган таҳдидлардан ташвишланишни ифодалаб, сув-энергетик ресурслари, транспорт коммуникациялари ва минтақада мавжуд бўлган иқтисодий имкониятлардан оқилона ва ўзаро манфаатли фойдаланишнинг муҳимлигини тан олган ҳолда, ўзаро тушуниш ва сиёсий, иқтисодий, гуманитар ҳамда бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли асосда минтақа давлатлари ўртасидаги ҳамкорликнинг янада мустаҳкамланишига алоҳида эътибор бериб, қуйидагилар тўғрисида баён этадилар:

1. Давлат раҳбарлари сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, маданий ва бошқа соҳаларда ўзаро фойдали ҳамкорлик ҳамда халқаро майдонда ўзаро яқин муносабат минтақа мамлакатларининг миллий манфаатларига жавоб беришини, тинчлик ҳамда барқарорликни минтақа ва глобал даражада сақлаб туришда муҳим аҳамият касб этишини тасдиқладилар.

Давлат раҳбарлари умуммаҳаллий йўналиш оқимида амалга оширилаётган кўптомонлама алоқалар уларнинг халқлари фаровонлиги ошишига ёрдам беришини таъкидлайдилар.

Давлат раҳбарлари минтақа мамлакатларининг ўзаро муносабатлардаги асосий устунлик ўзаро фойдали иқтисодий ҳамкорлик бўлишини таъкидлаб ўтадилар.

2. Давлат раҳбарлари ҳар томонлама ва ўзаро фойдали иқтисодий муносабатларнинг келгусида ривожланишининг зарурлигини таъкидлаб:

иқтисодий ҳамкорликнинг фойдаланилмай қолган имкониятларини амалда татбиқ этиш ҳамда унинг ривожланишига янги турткилар бериш;

эришилган келишувлар ҳамда минтақа давлатлари ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик соҳасида имзоланган ҳужжатларнинг амалга оширилишининг самарали усул ва механизмларини ишлаб чиқиш мақсадида ўз Ҳукуматларига барча даражада ўзаро муносабатларни жадаллаштиришни топширдилар.

3. Давлат раҳбарлари халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган тамойиллари ва меъёрлари асосида Марказий Осиёдаги сув объектлари, сув-энергетик ресурслари ва сув хўжалик иншоотларидан оқилона ва ўзаро манфаатли фойдаланиш соҳасида мувофиқлаштирилган ва келишилган ҳаракатлар давлатларнинг мавжуд бўлган қишлоқ хўжалиги ва энергетик имкониятларидан минтақа халқлари фаровонлиги йўлида самарали фойдаланиш учун замин бўлиб хизмат қилишига ишонадилар.

Давлат раҳбарлари ўз Ҳукуматларига чегараларо сув ресурсларидан фойдаланишнинг давлатлараро механизмини такомиллаштириш бўйича ишни тезлаштиришни топширдилар.

4. Давлат раҳбарлари ташқи бозорга чиқиш мақсадида, биринчи навбатда, бирлашган транспорт ва энергетик тизимларини, умумий инфратузилмани тузиш бўйича ўзаро муносабат кўптомонлама ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан бири экanлигини таъкидлаб ўтдилар.

Давлат раҳбарлари халқаро автомобиль ва темир йўл транспортида юк ва йўловчи ташиш соҳасида илгари эришилган битимлар ва келишувларнинг оғишмай бажарилишининг зарурлигини таъкидлаб ўтдилар ҳамда «Европа-Кавказ-Осиё» транспорт-коммуникацион тизими ишлашининг самарадорлигини ошириш бўйича келгусидаги ҳамкорликнинг аниқ йўналишларини белгиладилар.

Давлат раҳбарлари Транскавказ евроосиё транспорт тармоғи ТРАСЕКА доирасида транспортда юк ва йўловчи ташишнинг барча кўринишларида келишилган тариф сиёсати олиб борилишининг муҳимлигини тан олдилар.

5. Давлат раҳбарлари халқаро ҳуқуқ нормалари ва тамойиллари асосида ўз давлатлари ўртасидаги давлат чегара чизиқларининг ўтишини юридик расмийлаштириш жараёни якунланишининг муҳимлигини таъкидлаб ўтдилар.

Давлат раҳбарлари минтақа мамлакатлари ўртасидаги чегаралар тинчлик, дўстлик ва яхши қўшничилик чегаралари бўлганлиги ва бўлишида ягона фикрдалар.

6. Давлат раҳбарлари Афғонистон муаммосининг сиёсий ҳал этилиш жараёнининг бошланишини ижобий баҳолаб, мазкур мамлакатнинг урушдан кейинги тикланиш масалаларини ҳал этишга йўналтирилган Ҳ.Карзай раҳбарлигидаги Афғонистоннинг муваққат маъмуриятини, БМТ ва жаҳон ҳамжамиятининг хатти-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашларини билдирдилар.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВ ВА ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И. Ш. РАҲМОНОВНИНГ

ҚЎШМА БАЁНОТИ

2001 йил 27-28 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлди.

Ўзбекистон — Тожикистон муносабатларининг ривожланиши масалалари, муҳим халқаро ҳамда минтақавий муаммоларни батафсил муҳокама қилиб, бўлиб ўтган музокаралар давомидаги конструктив суҳбат ва ўзаро тушуниш руҳини юқори баҳолаб, икки давлат ўртасида сиёсий, иқтисодий, гуманитар ва бошқа соҳаларда келишилган хатти-ҳаракатлар ҳамда умумий манфаатга асосланган ҳамкорликни янада чуқурлаштиришнинг муҳимлигини эътироф этиб, дўстлик ва яхши қўшничилик алоқаларининг янада ривожланиши ҳамда мустаҳкамланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида абадий дўстлик тўғрисида 2000 йил 15 июндаги Шартнома қоидаларига асосланиб, икки мамлакат халқларининг тарихий ва маданий жиҳатдан умумийлигидан келиб чиқиб, минтақада ташкил топаётган янги сиёсий ва иқтисодий воқеликлар, шунингдек жаҳонда содир этилаётган ўзгаришларни эътиборга олиб, қуйидагилар тўғрисида баён этадилар:

1. Ўзбекистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси Президентлари икки давлат ўртасида ҳар томонлама муносабатларни тенг ҳуқуқлилик, ички ишларига аралашмаслик, ўзаро ёрдам, суверенитетни ҳурмат қилиш, ҳудудий яхлитлик, низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш принциплари, Ўзбекистон ҳамда Тожикистон халқлари ўртасида анъанавий дўстлик руҳида ривожлантиришга қатъий содиқликларини тасдиқладилар.

Давлат раҳбарлари минтақада хавфсизлик ва барқарорликнинг муҳим омили ҳисобланган давлатлараро ҳамкорликнинг барча соҳаларида янада ривожланиши учун кенг имкониятлар белгилайдилар.

Давлат раҳбарлари ўзаро манфаатли масалалар бўйича турли даражаларда маслаҳатлашувлар ўтказишга тайёр эканликларини маълум қиладилар.

2. Давлат раҳбарлари минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга муҳим аҳамият бериб, икки томонлама ва кўп томонлама асосда халқаро терроризм, гиёҳвандликнинг авж олиши ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа кўринишларига қарши курашишда ҳамкорлик қилишни янада ривожлантириш ва чуқурлаштиришнинг муҳимлигини таъкидлайдилар.

3. Ўзбекистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси Президентлари икки мамлакат ўртасида давлат чегараларини делимитация қилиш жараёнлари давом эттирилишининг муҳимлигини таъкидлайдилар ҳамда Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида давлат чегараси чизиғини ўтказилишини юридик жиҳатдан расмийлаштириш бўйича музокаралар халқаро ҳуқуқ ва жаҳон тажрибаси меъёрлари ҳамда принциплари асосида ўзаро тушуниш руҳида ўтаётганини таъкидлайдилар. Улар бу йўналишда музокаралар олиб борилиши жараёнидан мамнун бўлганликларини ифодалайдилар ва унинг тезроқ тугатилишининг тарафдори эканликларини баён этдилар.

Давлат раҳбарлари икки давлат ўртасидаги чегаралар икки давлатнинг биродар халқларини бирлаштирувчи тинчлик, дўстлик ва яхши қўшничилик чегараси бўлган ва шундай бўлиб қолиши лозим деган ягона фикрни билдирдилар ва икки мамлакатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш, чегара, божхона органлари ҳамда махсус хизматлари Ўзбекистон — Тожикистон давлат чегарасини тегишли тартибда назорат қилишни таъминлаш бўйича биргаликдаги ва мувофиқлаштирилган хатти-ҳаракатларни олиб бориш тарафдори эканликларини билдирдилар.

4. Ўзбекистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси Президентлари Афғонистон халқига ўз қўшнилари ва умуман халқаро ҳамжамият билан тинчлик ҳамда уйғунликда яшайдиган янги қиёфадаги ва демократик давлат қуриш ишида барча имкониятлар билан ёрдам беришга тайёр эканликларини изҳор этадилар.

5. Ўзбекистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси Президентлари ўзаро фойдали иқтисодий алоқаларнинг кенгайтирилиши ва чуқурлаштирилишига биринчи даражали аҳамият берадилар, чегара бўйи савдо-иқтисодий алоқаларнинг ривожланишини олқишлайдилар ҳамда уларнинг янада кенгайтирилиши ва мустаҳкамланишининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича чоралар кўришни икки давлат Ҳукуматларига топширадилар.

6. Давлат раҳбарлари икки томонлама ҳамкорликни янада чуқурлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси ўртасида ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро қўшма комиссияни тузишни ва яқин вақт ичида унинг биринчи мажлисини ўтказишни ўз Ҳукуматлари зиммасига юкладилар.

7. Давлат раҳбарлари транспорт коммуникациялари икки томонлама муносабатларнинг устувор йўналишларидан бири эканлигини таъкидлаб ўтдилар ва автомобиль, темир йўл, ҳаво ва транспортнинг бошқа турлари соҳасида келгусидаги ҳамкорликда ўзаро фойдали йўналишларни белгиладилар.

8. Ўзбекистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси Президентлари халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принцип ва меъёрлари асосида сув объектлари, сув-энергетик ресурслари ва сув хўжалиги қурилмаларидан оқилона ҳамда биргаликда фойдаланиш соҳасида мувофиқлаштирилган ва келишилган хатти-ҳаракатларнинг зарурлигини таъкидлайдилар.

9. Давлат раҳбарлари гуманитар соҳадаги ҳамкорликнинг муҳимлигини таъкидлаб ўтдилар, бунга фан, маданият, таълим, ахборот соҳасида ўзаро муносабат ҳам киради.

Икки давлатнинг тегишли маданий, таълим ва илмий марказлари ва идоралари ўртасидаги алоқаларни жадаллаштиришни, гуманитар ҳамкорликнинг шартнома-ҳуқуқий негизини кенгайтириш бўйича ишни давом эттириш Ҳукуматлар зиммасига юклатилди.

Давлат раҳбарлари ўзаро манфаат ва ахборот алмашувини янада ривожлантириш мақсадида Тожикистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Тожикистон Телерадиокомпанияси дастурларини эфирга узатишни ташкиллаштириш масалаларини тез орада ҳал этиш заруратини таъкидлайдилар.

10. Тожикистон Республикаси Президенти И.Ш.Раҳмонов Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовга Ўзбекистон Ҳукумати ва халқи томонидан кўрсатилган илиқ, самимий қабул учун миннатдорлик билдирди ва уни Тожикистон Республикасига ташриф буюришини таклиф этди.

Таклиф миннатдорлик билан қабул қилинди. Ташриф муддатлари дипломатик йўллар орқали келишиб олинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Тожикистон Республикаси Президенти
Ислом КАРИМОВ	Имомали РАҲМОНОВ

2001 йил 27 декабрь, Тошкент шаҳри

ОДАМИЙЛИК

Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар кун қилиш керак.

Ислом КАРИМОВ

1. ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ

Мамлакатимизнинг Асосий Қонунида инсон олий қадрият экани қайд этилган. Зеро, инсон, унинг қадр-қиммати улуғланган жойда одамийлик, меҳр-оқибат устувор бўлади, у ердан файзу барокат аримайди, яхшилик ва яратувчилик ҳукм суради. Бундай жамият асосини эса, табиийки, ижтимоий адолат ташкил этади.

Тараққийпарвар давлатлар доимо инсон учун муносиб бўлган, унинг ички имкониятларини, салоҳиятини тўла рўёбга чиқарадиган турмуш шароити яратишга интилади. Бу жараён аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламини ижтимоий ҳимоя этиш, шунингдек, ногиронларга амалий ғамхўрлик кўрсатишда равшан намоён бўлади.

Истиқлолнинг дастлабки йилларидан буён диёримизда бу борада улкан ишлар амалга оширилганига, Юртбошимиз меҳрга ташна болаларга отаоналарча ғамхўрлик қилиб келаётганига ҳар биримиз гувоҳмиз.

Айниқса, ногирон болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг давр талаби даражасидаги шарт-шароитда таълим олиши ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиши йўлидаги кўпдан-кўп хайрли ишлар бугун ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Айни пайтда уларга ғамхўрлик кўрсатиш, амалий ёрдам беришга қаратилган мустаҳкам тизим ишлаб турибди.

Мустақиллигимизнинг илк йилларида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун бу борадаги кенг кўламли ишлар учун тамал тоши бўлиб хизмат этмоқда.

«Ногиронларни реабилитация қилиш» Давлат дастури 1996 йилдан буён алоҳида ёрдамга муҳтож ногирон болалар ва ўсмирларни ижтимоий муҳофаза этиш, ўқитиш, касб-ҳунарга ўргатиш борасида беқиёс ишларни амалга оширишга мустаҳкам замин яратди. «Соғлом авлод», «Она ва бола скрининги», «Она ва бола» Давлат дастурларидан ташқари ҳатто «Таълим тўғрисида»ги Қонунда ҳам барча қатори кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир эътирофидир.






«Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига.

Сизнинг Ватанингиздан жуда олисда яшаётган киши-лар ҳам Ўзбекистон Республикаси яқинда ўз мустақиллигининг 10 йиллигини нишонлаганини яхши билади. Ўтган қисқа давр ичида Сизнинг раҳбарлигингизда мамлакатингиз сиёсат, иқтисодиёт ва демократик тараққиёт йўлида улкан муваффақиятларга эришди. Ҳар қандай жисмоний ва руҳий такомилида айрим нуқсонга эга болалар мактабгача таълим-тарбия муассасаларидан токи улғайиб, меҳнат фаолиятини бошлагунга қадар тенг шароитда, лозим ҳукумат учун жуда оғир бўладиган давлатнинг шаклланиши ва ислоҳотлар билан боғлиқ мана шундай мураккаб паллада ҳам Сиз ногирон болаларни унутмадингиз, уларга муттасил ғамхўрлик кўрсатиб келдингиз.

Аллоҳ таоло доимо Сизни ўз паноҳида асрасин.

Чексиз эҳтиром билан
Билл РАЙС III,
Халқаро ногирон болалар ота-оналари ассоциацияси Президенти».



Bill Rice Ranch

Bill Rice III, President

627 Bill Rice Ranch Road • Murfreesboro, Tennessee 37128-4555 • 615-893-2767

President of Uzbekistan
Islam Karimov

Your Honor:

Even far away from your country it is known that this will be the 10th year of Independence for the Republic of Uzbekistan. During this short period in history, Uzbekistan reached under your ruling a great success politically and economically, on the way to democracy. In such a difficult time for any government, of reforms and improvements, you always remembered and cared about handicapped children.

During the International Seminar of education for deaf children which took place in Nashville, State Tennessee, USA from 22/07/2001 to 30/07/2001 we could see what great results are reached by our Uzbek colleagues from the Boarding School for deaf children no. 101 Tashkent, who represented the Asian Region.

We, organizers and partakers of this International Seminar of Education for deaf children, want to use this opportunity to express to you personally our high respect and thankfulness for your sincere fatherly care for the deaf children of Uzbekistan.

Nobody in the world has any doubts that the teachers of Uzbekistan could reach this big success because of your personal help and encouragement.

We sincerely believe and hope that God will always help you in all your good and kind beginnings.

May God keep you and your relatives.

With great respect,

Bill Rice III
President

2. ЭЪТИРОФ

Америка Қўшма Штатларидан Халқаро ногирон болалар ота-оналари ассоциацияси давлатимиз раҳбарига йўллаган қуйидаги мактуб юртимизда ногирон болаларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир эътирофидир.

АҚШнинг Теннис штатида, Нашвилледа бўлиб ўтган ногирон (кар-соқов) болалар таълими бўйича Халқаро семинарда Марказий Осиё номидан қатнашган 101-ихтисослашган мактаб вакиллари ниҳоятда салмоқли кўрсаткичларга эришиб, ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз бу соҳада анча илгарилаб кетганини амалда намойиш этишди.

Улар, яъни ўзбекистонлик мураббийлар ногирон болалар таълими борасида бундай қувонарли ютуққа бевосита Сизнинг амалий ёрдамингиз ва доимий ғамхўрлигингиз туфайли эришган, албатта. Бунга ҳеч ким асло шубҳа қилмайди.

Биз, мазкур Халқаро семинарнинг ташкилотчилари ва унинг иштирокчилари бугунги имкониятдан фойдаланиб, Ўзбекистондаги ногирон болаларга кўрсатаётган отаоналарча ғамхўрлигингиз учун шахсан Сизга чексиз миннатдорчилик билдириб, ўзимизнинг чуқур эҳтиромимизни изҳор этмоқчимиз.

Яратганнинг ўзи Сизни, Сиз бош бўлган хайрли ва эзгу ишларни доимо қўллайди, деб умид қиламиз ва шунга астойдил ишонамиз.

Аллоҳ таоло доимо Сизни ўз паноҳида асрасин.

Чексиз эҳтиром билан
Билл РАЙС IIIни,
Халқаро ногирон болалар ота-оналари ассоциацияси Президенти».



3. МЕҲР-ОҚИБАТ

Билл Райс IIIни ўз таълими билан ҳайратга солган юртдошларимиз Тошкентдаги 101-мактаб-интернатда ўқишади. Мазкур интернат эшитиш қобилияти заиф (кар) болаларга махсус таълим беришга ихтисослашган. Унинг ташкил топиши маълум маънода австриялик шифокор Хорватнинг номи билан ҳам бевосита боғлиқдир.

Истиқлол мазкур ўқув даргоҳи ҳаётига янги руҳ олиб кирди. Йўқ, мен бу ўринда таълим янгича тизим касб этганига тўхталмоқчи эмасман. Бу ерда меҳр-оқибат устувор, одамийлик ҳароратини доимо сезиб, ҳис этиб турасиз. Эҳтиромил, ютуқларнинг етакчи омили шудир?!

Ахир, инсон ўзининг, ўз меҳнатининг жамият учун қадрли эканини ҳис этса, шундан кучқувват олади-ку!

Бу ерда ўқувчилар кенг ва ёруғ хоналарда таҳсил олаётганига гувоҳ бўласиз, улар замонавий компьютерларни абжирлик билан ишлатаётганини, дарслик ва ўқув-услубий қўлланмалардан омилкорлик билан фойдаланаётганини кўриб, ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етишига ишонч ҳосил қиласиз. Кутубхона, шинам ётоқхона, меҳрибон ва фидойи мураббийлар доимо ўқувчилар хизматида. Дарслар давлат таълим стандартлари асосида олиб борилмоқда. Тарбияланувчиларнинг қизиқишига қараб бўш вақтни фойдали ўтказиш режаси ишлаб чиқилган. Қизлар учун пазандалик, тикувчилик, рақс, ўғил болалар учун эса дурадгорлик, чилангарлик каби кўплаб тўгараклар ташкил этилган.

Мактаб директори Мэлс опа Султонова ўқувчилари тиккан кийим-кечакларни кўрсатиб, ғурурланади. Зеро, унинг шогирдлари энг замонавий дастгоҳларни ҳам маҳорат билан бошқара олади.

Интернатнинг ўз рақс жамоаси мавжуд. 1997 йили бу жамоа Голландияда бўлиб ўтган фестивалда катта муваффақият қозонди. Футбол жамоаси эса Таиландда ўтказилган халқаро мусобақада бронза медалини қўлга киритди.

Мактаб жамоаси мамлакатимиздаги қатор хорижий элчихоналар ва ноҳукумат ташкилотлар билан яқин алоқа ўрнатган. Айни вақтда мактаб-интернатда 217 та ўқувчи таълим олмоқда. Ўқувчилар учун яратилган шарт-шароит, спорт-соғломлаштириш хоналари кишини қувонтиради.

— Имо-ишора нутқига ўргатиш бўйича АҚШда бўлиб ўтган Халқаро анжуманда иштирок этиш интернатимиз ҳаётида яна бир қувончли воқеа бўлди, — дейди Мэлс Султонова. — Чунки биз мазкур анжуман баҳонасида махсус таълимнинг халқаро тажрибалари билан янада изчил танишиб чиқдик. Ҳозир илғор тажрибаларни ўқув жараёнларида амалиётга татбиқ этяпмиз. Шу билан бирга инглиз тили сабоқларини бир соғломлаштириш марказларида умумий ҳисобда 8563 та бемор-ногирон экспертиза ва тиббий-ижтимоий кўрикдан ўтказилган. 7565 та — 2000 йилга нисбатан қарийб 1 ярим мингдан зиёд бемор-ногирон реабилитация муолажалари олган.

Реабилитация тадбирлари натижасида ногиронлик гуруҳи бекор қилинганлар ҳам ногиронлар аравачалари ҳам ўзимизда йиғилмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, таъминот 2,5-3 марта яхшиланди. Айни пайтда республикамизда 10 та ҳудудий реабилитация-соғломлаштириш марказлари фаолият кўрсатмоқда.

2001 йилнинг тўққиз ойи ичида жами 720 стационар ўринга эга бўлган 12 та республика бўйича 22120 нафарни ташкил этди, уларнинг сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 29,8 фоизга камайди.

Қарийб бир миллион 300 минг нафар пенсионер ва ногиронлар ҳукумат томонидан белгиланган. кафолатлардан тўлиқ фойдаланиб келмоқда. Биргина 2000 йилда пенсионер ва ногиронлар учун 35 миллиард сўмлик кафолатлар етказиб берилди.

Фақат 2001 йилнинг 9 ойи мобайнида муҳтож ногиронлар эҳтиёжини қондириш мақсадида 1868 та ногирон аравачалари, 1764 та эшитиш мосламаси, 7492 та ҳасса, 3714 та қўлтиқтаёқ, 14308 та протез-ортопедия маҳсулотлари, 2653 та протезлар тарқатилган.

Ҳозир мамлакатимизда 9 та «Она ва бола скрининг марказлари» фаолият юритмоқда. «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси ва Финляндиянинг «Прибори Ой» компанияси ўртасида тузилган шартномага биноан Республика скрининг маркази ва унинг Самарқанд, Фарғона, Қашқадарё, Бухоро, Наманган, Сурхондарё вилоятларидаги минтақавий скрининг марказлари «Виктор Дельфия» ускуналари билан жиҳозланди.

Ногиронлар спортини ривожлантириш борасида қилинаётган ишлар ҳам эътиборга лойиқдир. Мамлакатимизда ҳозир Ўзбекистон ногиронлар спорти ассоциацияси ишлаб турибди. Бу соҳада эришилган муваффақиятлар ҳам талайгина. Пойтахтимиздаги 105-сонли ақли заиф болалар мактаб-интернат тарбияланувчилари Голландияда ўтказилган сузиш бўйича ногиронлар олимпиадасида иштирок этиб, 2 та олтин, 1 та бронза медалини қўлга киритишди.

Ҳамюртларимиз 10 йилда бир марта ўтказиладиган Европа махсус олимпия ўйинларида 4 та олтин, 1 та кумуш ва 1 та бронза медалларига эришган ҳолда, 53 мамлакат ўртасида фахрли 4-ўринни эгаллашди.

Армрестлинг бўйича АҚШда ўтказилган жаҳон чемпионатида Умиджон Аҳмедов ва Юсуфжон Қодировлар муваффақиятли қатнашиб, жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлишди. Константин Якунин енгил атлетика бўйича икки карра олимпия чемпионидир. Руслан Янбулатов ва Надежда Кузиналар стол тенниси бўйича Марказий Осиё ўйинлари ғолиби. Биргина бу эмас, «Байналмилал» футбол жамоаси Салвадорда бўлиб ўтган жаҳон кубогида 2-ўринни, Россияда бўлиб ўтган очиқ чемпионатда эса ғолибликни қўлга киритишган.

Ҳар икки йилда бир марта ногиронлар спортининг қишки ўйинлари ўтказилиб келинмоқда.

Буларнинг барчаси ҳақиқатан ҳам мамлакатимизда ногиронларни ижтимоий ҳимоя этиш юксак талаб даражасида эканидан далолат беради.

■ **Шуҳрат ОРИФ**



ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИНИНГ

ТОШКЕНТ БАЁНОТИ

Марказий Осиё халқлари ва Афғонистон халқи ўртасидаги анъанавий яқин қўшничилик муносабатлари, уларнинг тарихий ва маданий умумийлигини эътиборга олиб, Давлат раҳбарлари халқаро ҳамжамиятга қўшилган ҳамда ўз қўшнилари билан тинчлик ва уйғунликда яшаётган янгиланган ва демократик давлат қуришда Афғонистон халқига гуманитар ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатишга тайёр эканликларини билдирадилар.

7. Давлат раҳбарлари Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги муносабатларда кескинликнинг ошганлигини ташвишланиб таъкидлайдилар. Яқинда кишиларнинг қурбон бўлишига сабаб бўлган Ҳиндистон Парламентидаги террорчилик хуружларини кескин қоралаб, Давлат раҳбарлари Ҳиндистон ва Покистон раҳбарларини салтанатга хос вазминлик кўрсатишга, фавқулодда чоралардан тийилиб туришга ва мавжуд муаммоларни сиёсий воситалар билан ҳал этишга даъват этадилар.

Давлат раҳбарлари минтақа хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш манфаатларига жавоб бера оладиган Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатларининг ривожланиши ҳамда мустаҳкамланишига умид билдирадилар.

8. Давлат раҳбарлари минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга устувор аҳамият бериб, ушбу мақсадларда терроризм, сиёсий ва диний экстремизм, миллатлараро уюшган жиноятчилик ва барқарорлик ва хавфсизликнинг бошқа таҳдидларига қарши курашда қўшма ҳаракатлар тўғрисида 2000 йил 21 апрелда имзоланган Шартнома ҳамда бошқа келишувлар доирасида зарур бўлган барча қўшма хатти-ҳаракатларни олиб борадилар.

Давлат раҳбарлари халқаро терроризм, экстремизм, гиёҳвандликнинг хуружи ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларига қарши курашнинг кенг қамраб олинган тизимини тузиш бўйича жаҳон ҳамжамиятининг қўяётган қадамларини олқишлайдилар.

9. Давлат раҳбарлари Марказий Осиё мамлакатлари ва халқларининг ҳамкорлиги ҳамда яхши қўшничилигининг мустаҳкамланишида муҳим омил сифатида маданий-гуманитар соҳадаги ўзаро муносабатни кенгайтириш ва чуқурлаштиришнинг муҳимлигини белгилаб ўтадилар.

10. Давлат раҳбарлари сиёсий мулоқотнинг келгусидаги ривожи ва диверсификацияси, минтақавий иқтисодий интеграциянинг шакл ва механизмларини такомиллаштириш, ягона хавфсиз ҳудудни шакллантириш масалалари бўйича ўзаро тушунишни чуқурлаштириш, минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлаш бўйича биргаликдаги хатти-ҳаракатларни ишлаб чиқиш мақсадида сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар соҳадаги муносабатларда кўп режали ҳамкорликни жадаллаштириш тарафдори эканликларини билдирдилар ҳамда Марказий Осиё Иқтисодий Ҳамжамияти (МОИҲ)ни «Марказий Осиё Ҳамкорлиги» Ташкилоти (МОҲ) деб қайта тузишга келишиб олдилар.

11. Давлат раҳбарлари МОИҲни МОҲ сифатида қайта тузиш билан боғлиқ барча масалаларни кўриб чиқишни ўз Ҳукуматларига топширадилар, бунга янги ташкилотнинг юридик мақоми, низом ҳужжатлари, МОИҲнинг амалдаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатларидан келиб чиқадиган томонлар мажбуриятларининг мерос бўлиб қолиши эҳтимоли мавжудлигида МОИҲнинг шартнома-ҳуқуқий негизини инвентаризациялаш ва бошқа жиҳатлар ҳамда Давлат раҳбарларининг кўриб чиқишлари учун тегишли таклифларни киритиш ҳам киради.

12. Давлат раҳбарлари очиқлик ва ўзаро тушуниш муҳитида ўтган конструктив музокаралар Марказий Осиё давлатларининг анъанавий биродарона ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорлигининг келгуси ривожланишига сезиларли ҳисса қўшди, деб таъкидладилар.

Давлат раҳбарлари учрашувларни айнан шу тарзда давом эттиришга келишиб олдилар ва Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан меҳмондўст ўзбек ерида кўрсатилган илиқ, самимий қабул учун миннатдорлик билдирдилар.

Қозоғистон Республикаси Президенти Н.НАЗАРБОЕВ	Қирғизистон Республикаси Президенти А.АКАЕВ	Тожикистон Республикаси Президенти И.РАҲМОНОВ	Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

2001 йил 28 декабрь, Тошкент шаҳри.

ҲУҚУҚ ВА БУРЧ

Бугунги кунда адвокатура тизимини йўлга қўйиш, улар фаолиятини инсон ҳуқуқ ва манфаатларига қаратиш энг муҳим ва долзарб масалалардан биридир.

Хўш, шу ўринда адвокатнинг вазифаси нимадан иборат, деган савол туғилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура тўғрисида»ги, «Адвокатлар фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги Қонунларда уларнинг вазифаси белгилаб берилган.

Дарҳақиқат, ҳуқуқий демократик жамият барпо қилиш даврида ўз манфаатини ўйлайдиган, «адвокатлик қасами»га амал қилмайдиган, ўз вазифаси нимадан иборат эканлигини унутиб қўяётган адвокатлар ҳам учраётгани сир эмас.

Жумладан, Тошкент шаҳар ҳокимияти адлия бошқармаси қошидаги малака комиссияси томонидан фуқаро А.Рискулованинг адвокат Р.Умаровнинг хатти-ҳаракатларидан норози булиб ёзган шикоят аризаси кўриб чиқилди, яъни адвокат Р.Умаров фуқаро А.Рискуловадан вояга етмаган қариндоши А.Степановнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун хизмат ҳақи олиб, бу ҳақда шартнома тузмаганлиги, ушбу пулларни фирма ғазнасига кирим ҳам қилмаганлиги аниқланган.

Малака комиссиясининг қарорига асосан, адвокат Р.Умаров Ўзбекистон Республикаси «Адвокатура тўғрисида»ги Қонун талабларига зид хатти-ҳаракатларни содир этганлиги учун унга берилган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси бекор қилинган.

Дарҳақиқат, ёрдамга муҳтож киши ҳимоячига мурожаат килса-ю, натижада у ҳимоясиз қолса, адвокатга бўлган ишончга путур етмайдими?!

Адвокатлар ўзларига мурожаат қилган фуқароларга уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳамда иш юзасидан келишувга асосан тўланадиган пулларни ҳуқуқий маслаҳатхона ғазнасига тегишли тартибда тўлашлари кераклигини тушунтиришлари лозим.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, фуқаролар ҳам адвокатларга мурожаат қилишганда келишилган хизмат ҳақини маслаҳатхона ғазнасига кирим қилиб, бу ҳақдаги тўлов қоғозини олишлари лозим. Адвокатлар ва уларга мурожаат қилган фуқаролар ўз хатти-ҳаракатларини қонуний тартибда амалга оширишса, юқоридаги ҳолатларга чек қўйилган бўлар эди.

Ушбу соҳани ривожланган мамлакатлар адвокатлик тизими даражасига кўтариш ва уни фуқароларнинг асосий ва ишончли ҳимоячисига айлантириш демократик жамиятнинг муҳим тамойилларидан биридир.

■ **Анвар ҚЎЗИЕВ,**
Отабек ҲАМРОЕВ,
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси етакчи мутахассислари



DUSHANBA 31

БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

✧ ✧ ✧

Сизни 31 декабрь тонгидан 1 январь тонгигача «Ўзбекистон» телеканалининг узлуксиз марафонини томоша қилишга таклиф этамиз.

Сизлар дастуримиздан жой олган «Янги йилда — янги хотин» телевизион миниатюралар театрини, халқимизга хос бўлган фазилат — «Янги йил йўқлови»ни, театр. юлдузлари иштирокидаги байрам томошасини, янги «Қирол шер» саргузашт мультфильми премьерасини, «Қувноқ трамвай» ҳажвий тележурналини, «Бахтли воқеа» телелотереясининг байрам сонини, қизиқчи ва ҳофизлар иштирокидаги «Ойдин кечалар» бадиий-мусиқий кўрсатувини, энг муҳими, шу кунги кайфиятингизга мос тўрт соатлик «Янги йил базми»ни ҳамда бир-биридан қизиқарли турли роликлар, саҳналаштирилган кўрсатувлар, ҳангомалар, мусиқий учрашувларни томоша қилишингиз мумкин. Кўрсатувларимиз Сизни бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз.
Янги йилни қандай кутиб олсангиз, йил бўйи шундай яшайсиз дейдилар. Ҳамиша байрам кайфиятида юринг! Байрамларда доим бирга бўлайлик!

YOSHLAR

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси «Уй вазифаси».
9.25 Қишки таътил экрани: «Хуа Мулан». Мультфильм премьераси.
10.45 Байрам тароналари.
11.00 Эколаш.
11.05 «Ёшлар» телеканалида премьера: «Оппоқ ой». Бадиий фильм.
12.35 Лаззат.
13.05 Байрам тароналари.
13.20 Эколаш.
13.25 «Ишқ сурури». Бадиий фильм.
14.55 Байрам тароналари.
15.10 Эколаш.
15.15 Спорт йилномаси.
15.35 Чемпион сирлари.
15.55 Ўзбекистон халқлари қўшиқлари.
16.10 «Соғлом авлод учун». Видеофильм.
16.35 Президент арчаси.
17.35 «Янги авлод» студияси: «Ким эпчил-у, ким чаққон?»
18.05 Байрам тароналари.
18.15 «Бунёдкорлик». 8-фильм. «Эзгулик ҳамиша ғолиб».
18.45 Олтин мерос.
18.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 Байрам кўрсатувлари анонси.
19.35 «Обид-шоу».
20.30 Байрам тароналари.
20.40 «Заковат» интеллектуал ўйини.
22.00 «Ёшлар оқшоми».
23.45 Янги йил табриги.
00.05 Янги йил фантазияси.
1.05 «Ёшлар» телеканалида премьера: «Янги йил арафасида». Бадиий фильм.
2.40 Жаҳон эстрадаси юлдузлари.
3.30 Янги йилингиз қутлуғ келсин!

4TV

17.05 Кўрсатувлар тартиби.
17.10 Болажонлар экрани. «Ёлғиз уйда - 3».
18.50 «Умид юлдузлари». Шоу дастури. 1-қисм.
19.20 «Янги йил тилаклари».
19.30 «Умид юлдузлари». Шоу дастури. 2-қисм.
20.00 «Пойтахт сарҳисоби».
20.30 «Ташриф».
20.40 «Янги йил ҳангомалари».
21.15 «ТТВда Янги йил ҳазиллари».
22.55 «Янги йилга яхши ният билан». Дам олиш дастури.
23.45 «Янги йил табриги».
00.05 «Янги йилга яхши ният билан». Дам олиш дастурининг давоми.
1.45-2,25 «Жаҳон эстрадаси юлдузлари».

4TV


8.30 Кўрсатувлар тартиби.
8.35 «Клип-антракт».
8.40 Мультфильмлар тўплами.
9.10 «Тонгги юлдуз».
10.00 «Клип-антракт».
10.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».
10.30 «Лаззат».
10.50 Э. Рязановнинг «Тақдир ҳазили ёки қушдай енгил бўлинг!» комедияси.
14.10 Янги «Аралаш». Ҳажвий журнали премьераси.
14.20-15.00 «Ит Барбос ва ғаройиб кросс» комедияси.
17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 «Вақт хазинасидан».
17.55 «CNN шоу».
18.10 «Янги йил орзулари». Мусиқий дастур.
18.55 Янги «Аралаш». Ҳажвий журнали премьераси.
19.15 Е. Петросян ва Е. Степаненко «Оила қувончлари» спектаклида.
21.00 «Время».
21.50 «Оила қувончлари» спектаклининг давоми.
23.30 «РЖТда 2002 - Янги йил кечаси».
23.45 «Янги йил табриги».
00.05 «РЖТда 2002 - Янги йил кечаси» (давоми)
2.00 Премьера «Диканька яқинидаги хуторда оқшомлар». Мусиқий комедия.
3.35 «РЖТда 2002 - Янги йил кечаси» (давоми)

20 KANAL

9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05 Янги йил мультфейерверки.
10.00 «12 ой». Фильм-эртак.
12.00 «Тақдир ҳазили ёки қушдек енгил бўлинг!». Янги йил комедияси.
14.00 «Қиш эртаги». Мусиқий дастур.
15.40 «Ижарага олинган оила». Комедия.
17.10 «Санта-Клаус ва сеҳрли барабан». Мультфильм.
18.00 «Янги йил армуғони». Мусиқий дастур.
18.30 «Янги йил саргузаштлари». Янги йил комедияси.
21.00 «Клип-совға». Янги йил сони.
22.00 «Афина кечалари». Янги йил мелодрамаси.
23.40, 04.15 «Янги йил куйлари». Мусиқий дастур.
24.00 «Янги йил билан!». Янги йил қутлови.
00.05 — «The Best of 2001». Байрам мусиқий дастури.
02.35 «Фаришта Нью-Йоркда». Янги йил комедияси.

SESHANBA 1





ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.50 «Йилнома».
